

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

7/S-son (4-jild)

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/7 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллӣ Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллӣ Университети.

Сайдов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ҳодим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳоновиҷ – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Хошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёрова – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмурадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасолович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баҳодирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўёраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуроевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Мұҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психология хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч қўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

#### Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

**07.00.00 – TARIX FANLARI**

*Umurqulov Kamoliddin*

O'ZBEK XALQINING OILAVIY MAROSIMLARINING TARBIYAVIY AHAMIYATI ..... 9-12

*Muhamedov Asror*

G'ARB RENNESANSIGA TURTKI BO'LGAN OMILLAR ..... 13-22

*Jiyanbekova Sharofat Abdikaharovna*

SOVET DAVRIDA KITOB TAQIQLARIGA NISBATAN O'ZIGA XOS SENZURA

AMALIYOTLARI ..... 23-30

*Сабитова Коринна Сабировна*

ШКОЛЬНОЕ И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОЕ ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В  
УЗБЕКИСТАНЕ В ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ ..... 31-37

*Vaxabov Azizjon Xamidovich*

USMONIYLAR SALTANATI VA O'RTA OSIYO XONLIKALARINING O'ZARO DIPLOMATIK HAMDA  
ELCHILIK ALOQALARI ..... 38-44

**08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI**

*Xolmuradov Musurmon Avlaqulovich*

MAMLAKATIMIZ TIJORAT BANKLARI AKTIVLARI SAMARADORLIGINI TAKOMILLASHTIRISH  
MASALALARI ..... 45-51

*Madiyev Shaxzod Shodmon o'g'li, Xurramova Zarina Xolboevna*

QISHLOQ XO'JALIGI ISHLAB CHIQARISHIDA TEXNIK SALOHIYATDAN FOYDALANISHNING  
IQTISODIY MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI ..... 52-57

*Самадов Салоҳиддин Исматович*

ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ..... 58-66

*Хуррамов Азамат Файзуллаевич*

ИНСОН КАПИТАЛИНИ ЖАРАЁН-НАТИЖА ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАҲЛИЛИ ..... 67-74

**09.00.00 – FALSAFA FANLARI**

*Sharipov Abdukhakimjon Ziyoitdinovich*

YANGI O'ZBEKİSTON JAMIYATI TARAQQIYOTI IDEOSFERASIDAGI MA'NAVİY O'ZGARİSHLAR  
DİNAMİKASI ..... 75-80

*Mustafaev Alimardon Alijonovich*

THE MAIN VECTORS OF THE EVOLUTION OF COMPARATIVE PHILOSOPHY IN THE CONTEXT  
OF CONTEMPORARY CIVILIZATIONAL DEVELOPMENT ..... 81-89

*Mamasaliev Mirzoulug' Mirsaidovich*

"G'ARB MADANIYATIDA SABR-TOQAT KONSEPSIYASINING O'ZGARISHI" ..... 90-95

*Shadmanov Qurbon*

FRENСIS BEKON INDUKTIV USULI VA TA'LIM, TARBIYA VA O'Z-O'ZINI TARBIYALASH  
G'OYALARI ..... 96-101

*Usmonov Farkhod Lapasovich*

PHILOSOPHICAL ANALYSIS FREEDOM OF INFORMATION ..... 102-109

*Atakulov Mavlonbek Saitkulovich*YOSHLARNI SOG'LOM MA'NAVIY MUHIT ASOSIDA TARBIYALASHDA  
FUQAROLIK MAS'ULIYATI O'RNI ..... 110-115**10.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI***Amanov Abdijabbor Sattarovich*

O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA MURAKKAB SINTAKTIK TUZILMALAR TAHLILI ..... 116-121

*Xudoynazarova O'g'lonoj Allamurodovna*

DINIY BARQAROR BIRIKMALARNING STILISTIK XUSUSIYATLARI ..... 122-125

*Hayitova Shohida Erkin qizi*KONSEPT TUSHUNCHASINING TALQINI VA KONSEPTGA OID TADQIQOTLAR  
TASNIFI ..... 126-132*Qodirova Mukaddas Tog'ayevna*

TILSHUNOSLIKDA BIZNES DISKURS: TADQIQ, TASNIF VA TAHLIL ..... 133-138

*Aripova Aziza Xasanovna*

NUTQ MADANIYATI VA NUTQ ODOBI MASALALARINING TARIXIY TAKOMILI ..... 139-143

*Tillabayeva Zilola Raxmatillayevna*QARLUQ SHEVALARIDA TABU VA EVFEMIZMLAR QO'LLANILISHI YUZASIDAN  
MULOHAZALAR (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA) ..... 144-148*Axmedova Aziza Komilovna*

PSIXIATRIK BADIY TAHLIL ASOSLARI ..... 149-153

*Zokirova Шахзода Нодиржон қизи*

ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ ..... 154-158

*Yusupaliyeva Fazilat Yusupaliyevna*

METHODS IN TEACHING ENGLISH AND THEIR IMPORTANCE ..... 159-163

*Fayzullayeva Dilfuzaxon G'ulomjon qizi*

ADIB QALBIDAN: QAHRAMON RUHIYATIDA YOZUVCHINING IZI ..... 164-169

*Negmatova Mumtozbegim*

UZBEK TERMINOLOGY FOR BANKING SECTOR ..... 170-174

*Omondavlatova Latofat Ne'matulla qizi*O'TKIR HOSHIMOVNING "DAFTAR HOSHIYASIDAGI BITIKLAR" ASARIDA QO'LLANILGAN  
LINGVOMADANIY BIRLIKLER TAHLILI ..... 175-178**12.00.00 – YURIDIK FANLAR***Ismaylov Raxat Aminbayevich*NORMA IJODKORLIGI FAOLIYATINI RAQAMLASHTIRISHNING AYRIM NAZARIY-HUQUQIY  
MASALALARI ..... 179-183*Сеитниязов Камарбек Параҳатович*ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТУШУНЧАСИННИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 184-191

Нуруллаев Шохрух Шухратуллаевич  
ҚУРИЛИШДА АТРОФ-МУҲИТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ: ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА  
НАЗОРАТИ ..... 192-198

*Hamdamov Shahzod Maqsud o'g'li*  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI TARAQQIYOTINING  
HUQUQIY ASOSLARI ..... 199-210

Шокиров Ойбек Азизжон ўғли  
ҚОНУНИЙЛИК НАЗАРИЙ ТУШУНЧАСИ ВА УНИ МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ  
ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДА ТАЪМИНЛАШНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ  
АСОСЛАРИ ..... 211-218

### 13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

*Bozorova Muslima Qodirovna, Istamova Dilnoza Norboyevna*  
RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI KASBIY FAOLIYAT UCHUN KO'R  
BOSQICHLI TAYYORLASH ASOSLARI ..... 219-222

*Rabbimova Nodira Tashtemirovna*  
FROM SCALPEL TO BLACKBOARD: HOW MEDICAL TRAINING IS REVOLUTIONIZING  
PEDAGOGICAL APPROACHES ..... 223-227

Сайдова Камола Усканбаевна  
КОМПАРАТИВНЫЙ АНАЛИЗ МЕТОДОВ ВОСПИТАНИЯ В ВОСТОЧНОЙ ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ  
МЫСЛИ ..... 228-233

Худойназарова Дилрабо Абдурашидовна  
БЎЛАЖАК ПЕДАГОГЛАРНИ МАҶНАВИЙ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ ..... 234-239

Гаффаров Азизжон Муҳаммадсаидович  
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ: МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ ..... 240-245

*Buronova Iroda*  
UMUMIY O'RTA TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARIDA MEDIAKOMPITENTLIKNI  
RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARI ..... 246-250

*Matyakubova Feruza Egamovna*  
ANATOMY OF LEARNING: BRIDGING THE GAP BETWEEN MEDICINE AND  
MODERN EDUCATION ..... 251-254

**Received:** 10 September 2024**Accepted:** 15 September 2024**Published:** 25 September 2024*Article / Original Paper***RHETORICAL ASPECT OF TELEVISION SPEECH****Zakirova Shakhzoda Nodirjon kizi**

Uzbek State University of World Languages, Lecturer at the Department of English in Primary Education

**Abstract.** Televised speech is a great representation and formation of human personality, nature, outlook, harmony with the horizon of other people, the formation of certain orientations, the formation of intellectual, cultural and spiritual abilities, words, the formation of relationships with society which are fully realized when following rhetorical rules. The article examines the features of televised speech, its study in the rhetorical aspect, and its connection with rhetorical elements. The article states that these theories are explained in practice with several examples.

**Keywords:** mass media, post-industrial era, televised speech, rhetorical studies, visual rhetoric, rhetorical skills, rhetorical elements, rhetorical tools.

**ТЕЛЕВИЗИОН НУТҚНИНГ РИТОРИК АСПЕКТИ****Зокирова Шахзода Нодиржон қизи**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Бошланғич таълимда инглиз тили кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** Теленутқ инсон шахсиятининг шаклланишида, унинг таъби, дунёқараши, бошқа инсонларнинг дунёқараши билан ҳамоҳанглиги, маълум йўл-йўриқларнинг шаклланиши, руҳий, маданий-маънавий қадриятларни шакллантириш ва бир сўз билан айтганда, жамоатга нисбатан фикрлашни шакллантиришда катта таъсир кучига эга. Бу эса, риторик қонун-қоидаларга риоя этилгандагина тўлиқ амалга ошади. Ушбу мақолада телевизион нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, риторик аспектда тадқиқи, унинг риторик элементлар билан боғлиқлиги ҳамда ушбу назарияларни амалда бир неча мисоллар билан изоҳлангани баён этилади.

**Калит сўзлар:** оммавий-ахборот воситалари, постиндустриал давр, телевизион нутқ, риторик тадқиқ, визуал риторика, риторик кўниммалар, риторик элементлар, риторик воситалар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI7Y2024N22>

**Кириш.** 1990-2000 йиллар ОАВнинг кескин миқдорий ўсиши ва сифат жиҳатидан тубдан ўзгариши билан ажralиб турди. Уларнинг ривожланишига ахборотни тарқатишнинг самарадорлиги ва аниқлиги энг юқори қийматга эга бўлган замонавий постиндустриал жамиятнинг табиати ёрдам берди: омма олдида сўзлаш қобилияти шахс томонидан юқори ижтимоий мавқега эга бўлиш учун зарур шартга айланди ва оммавий алоқа самарадорлиги умуман цивилизациянинг муваффақиятли ривожланишининг калити вазифасини бажарди. Ҳозирги XXI аср – техника ва ахборот асрида телевизион хабарлар ва кўрсатувлардан тортиб онлайн платформаларгача

бўлган оммавий-ахборот воситалари ахборий, таълимий ҳамда кўнгилочар мақсадларда кенг қамровли восита бўлиб хизмат қиласи.

**Методология.** Ушбу мақолани тайёрлашда ИМРАД усулидан фойдаланилди. Бунда тегишли соҳадаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри ўрганилди, муҳокама қилинди ва таққосланди. Шунингдек, таҳлилда муаллифнинг субъектив фикрлари ҳам катта ўрин эгаллади.

**Асосий қисм (натижа ва муҳокама).** Рус олимларидан бири П.Босий тадқиқотчиларнинг қуидаги фикрларини таъкидлайди: “Бизнинг дунё манзараси ҳақидаги тасаввуримиз фақат ўн фоиз тажрибага асосланган билимлардан иборат. Қолган ҳамма нарсани биз китоблар, газеталар, радио ва телекўрсатувлар орқали билиб оламиз” [1].

Шу билан бирга, рус олими В.Черкасова ўз тадқиқот ишида постиндустриал жамиятда ахборот ва билим асосий ишлаб чиқариш ресурсларига айланиши ҳамда машҳур инглиз молия мутахассиси Н.Ротшилдинг қуидаги афоризмини сўз исботи ўлароқ келтириб ўтган: “Ким маълумотга эгалик қилса – у дунёни бошқаради”. Айни пайтда “эгалик қилиш” феъли ўз мақсадлари йўлида маълумотдан тўғри фойдалана билиш қобилиятини англатади. Маълумотни биз давлат бошқарувидаги асосий қурол десак янгишмаган бўламиз [2, 31-бет].

Француз назариётчisi Д.Бодриллард “ўзи орқали бошқаси” (1987) номли очеркида барчамиз гиперкоммуникация дунёсида яшаётганимизни, кодланган маълумотларнинг гирдобига ботганимизни таъкидлайди. Ҳаётнинг ҳар қандай томони оммавий ахборот воситалари учун воқеалар тизими, яъни, сюжет бўлиб хизмат қилиши мумкин. Дунёнинг улкан монитор экранига айланган бир даврда ахборотнинг воқеалар билан боғлиқлик мавқеи тугатилиб, унинг ўзи киши эътиборини жалб қилувчи воқеага айланади [4].

Ҳозирги кунда маълумот тарқалиш тезлиги бўйича интернетдан кейинги ўринда турувчи телевидение йирик маълумот базаларидан бири бўлиб келмоқда. Шундай экан, маълумотлар хилма-хиллиги телевизион нутқ орқали бошловчилар нутқида риторик қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда ўзини намоён этади.

Телевизион нутқни нутқнинг алоҳида тури сифатида белгилашга, уни мустақил нутқ услуги сифатида қарашга мойиллиги ортаётган тил тадқиқотчилари сони кундан кунга ошиб бормоқда. Замонавий теленутқни ўрганиш борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммолар телевизион нутқнинг ўзи, унинг тузилиши, хусусиятлари ва қоидалари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу муаммолар унинг миллий тилга таъсири, кундалик ҳаётга кириб бориш даражасида ҳам ўз ифодасини топади.

Жумладан, телевизион нутқ бирор маълумотни томошабинга етказиш ва унга ишонтира билишда муҳим роль ўйнайди. Жонли нутқда одамнинг баёнотни қандай талаффуз қилиши ҳар доим ҳам унинг нима демоқчи эканлигини оммага етказиб бера олмайди. Шу нуқтаи назардан, матн таркибига етарлича эътибор берни, маъномазмунни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Аммо, юқоридаги фикримизнинг акси ўлароқ рус олими Г.К.Ковалъчук мазкур соҳада тадқиқот олиб бораётган изланувчилар ўз олдиларига телевизорда намойиш этилаётган воқеалар ёки контентларнинг маъно жиҳатидан бир-бирига мослигини

баҳолашдан кўра, тил, бошловчи/сухандонлар нутқи, нутқнинг композицион тузилиши, стилистика, интонация нақшлари, тасвир ва матн нисбатини ўрганилиш объекти сифатида ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишларини таъкидлади [5].

Мулоқот юзасидан олиб борилган амалиётлар шуни қўрсатадики, ҳатто пухта тайёрланган нутқ ҳам бирлашиш шаклига эътибор бермаслик, сўзловчи фикрнинг турли жиҳатларини оғзаки нутқ орқали етказа олмаслиги туфайли ўз мақсадига эриша олмайди.

Бизни ўраб турган теварак атрофда ҳиссий таъсир этиш ва ишонтиришни кучайтириш учун телевизион нутқнинг эътиборли жиҳатларидан бири бу – риторика. Телевизион нутқнинг риторик жиҳати шундан иборатки, у ўз ичига турли хил стилистик воситалар, жумладан, такрорий сўзлар, оҳанг ҳамоҳанглиги, ҳиссий мурожаатлар ва бошқаларни қамраб олади.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида гуманитар маданиятнинг ривожланиши натижасида риторикага – нотиқлик санъатига қизиқиш пайдо бўлди. Риторика гуманитар билимларни синтез қилувчи соҳадир. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра, у глобал жараённи коммуникатив мақсаддан тортиб то аргументлар излашгача қамраб олиш қобилияти туфайли хусусий филологик фанларнинг бутун мажмуасини бирлаштирадиган асосий филология фанининг ҳали ҳам бош ролига даъво қилиб келмоқда.

Риторик таҳлилнинг асосини Аристотел “Риторика” китобида келтирилган учта ишонтириш усули ташкил этади:

Этос (ишончлилик), пафос (ҳиссий мурожаат) ва логослар (мантиқий далил). Телевизион нутқларда ушбу элементлар воситанинг визуал ва эшитиш хусусиятига мослаштирилиши керак.

Этос. Нутқ сўзловчининг ишончлилиги телевидение форматида жуда муҳимдир. Ташқи кўриниш, тана тили ва созлаш каби визуал белгилар томошабинларнинг идрокига сезиларли таъсир қиласи. Масалан, обрўли жойда туриб расмий кийим кийган сиёсатчи ўзининг ташқи кўриниши орқали ўз обрўсини ошириши мумкин. Бундан ташқари, маъруzacининг тингловчилар билан ўзаро боғлиқ тажрибалар ёки умумий қадриятлар орқали боғланиш қобилияти уларнинг ахлоқини кучайтириши мумкин. Телевизион нутқларда кўпинча шахсий латифалар ёки умумий ижтимоий масалаларга ҳаволалар мавжуд бўлиб, улар томошабин ўртасида шу билан ишонч ва алоқадорликни ўрнатади.

Пафос. Телевизион нутқларда ҳиссий алоқалар жуда муҳимдир. Ушбу восита ҳиссиётларни уйғотиш учун визуал тасвирлар, мусиқа ва овоз оҳангидан фойдаланишга имкон беради. Кучли тасвир ёки аччиқ ҳикоя томошабинларда чуқур резонанслашиши, яъни, таъсир этиши мумкин, бу уларни маъруzacининг хабарини кўпроқ қабул қиласи.

Масалан, инқироз даврида раҳбарлар ҳамдардлик ва бирдамликни етказиши, жамоатчилик кайфиятини самарали сафарбар қилиш учун телевизион манзиллардан фойдаланишлари мумкин. Телевизион нутқнинг ҳиссий таъсири фикрлар ва хатти-ҳаракатларга таъсир етган ҳолда кўпинча жамоатчиликнинг қайтарадиган жавоб ҳарактига олиб келиши мумкин.

Логос. Аристотел ўзининг “Риторика” номли китобида логос атамасини “асосли нутқ” дея таърифлайди. Бу эса, ўз навбатида, ёзувчи ёки сўзловчининг ўз фикрларини теранроқ баён етиш учун фактлар, рақамлар ва қўшимча маълумотларни тақдим этади [6].

Тилда риторик қўникмаларни ривожлантириш, биринчи навбатда, сўзловчининг ишончли тил базасини, кучли фонетик ва лексик ҳамда грамматик қўникмаларини шакллантиришни, талаффуз, сўзлардан фойдаланиш, грамматика, стилистика соҳасида ушбу тилнинг адабий стандартини ўзлаштиришни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, дикқат марказида “оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрларини билиш, шунингдек, нутқнинг мақсади ва мазмунига мувофиқ турли хил алоқа шароитида тилнинг экспрессив воситаларидан фойдаланиш қобилияти” деб таърифланган нутқ маданияти масаласи туради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, рус олим Т.Анахиновская нутқнинг риторик жиҳатдан тўғрилиги, гўзаллиги ва нафислиги асосан сўзловчининг овоз маданияти билан ҳам белгилайди. Овоз товушли нутқнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир ва айнан бизнинг овозимиз товушлари орқали айтилган фикр ўзининг ҳақиқий тимсолини намоён қиласи. Жонли нутқда одамнинг баёнотни қандай айтиши кўпинча у айтган нарсага айланади.

Телевизион нутқнинг риторикаси ҳақида сўз юритар эканмиз, унинг амалий исботини қўйидаги мисоллар орқали кўришимиз мумкин: Америкада тарихий ўтмишга эга, узоқ йиллар давом этган ва барчага бирдек қизиқ бўлган, кундалик ҳаётдаги воқеалар, жумладан, таълимий платформа вазифасини ўтаган “Oprah Winfrey’s Show” кўрсатуви ўз ичига турли китоб саводхонлиги, интервюлар, ўз-ўзини ривожлантиришга доир суҳбатлар олиб борганлиги билан бошқа кўрсатувлардан ажralиб турган.

Кўрсатув бошловчиси Опра Уинфри сўзларидан телевизион нутқдаги риторик воситаларга бир неча мисоллар келтириш мумкин. Эпизодларнинг бирида у ўз хабарининг муҳимлигини таъкидлаш учун такрорлашдан фойдаланган. У шундай деган: “Сиз ҳаётингизни ўзгартиришингиз мумкин! Ҳаётингизни ўзгартиришингиз мумкин!” (“OWN: Oprah Winfrey Network” 15.03.04). Ушбу жумлаларни эшитган томошабинда ҳаётда олдинга интилишга бўлган қизиқиши янада ошиши ва ўз тақдирини ўзгартира олишига ишониш имкониятига эришади.

Ted Talks дастуридаги тақдимотларнинг бирида Саймон Сайнек томошабинларни қизиқтириш ва жалб қилиш учун кучли ҳиссий жозибалардан фойдаланган. У шундай деган: “Агар мувафақиятга эришмоқчи бўлсангиз, “нима учун”дан қадамни бошлишингиз керак, яъни, “нима учун” сиз ҳозир банд бўлиб турган ишларни қилябсиз? Нима учун?” (Ted.com. 21.05.09). Ушбу услуг тингловчиларда ҳиссий муносабатни уйғотади, аникроқ айтадиган бўлсак, урғу берилаётган сўз тингловчининг ҳаётида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкинлигини яна бир бор таъкидлайди ва уларни таклиф этилаётган ғояни қабул қилишга тайёрроқ қиласи.

Яна бир бошловчи нутқида қўйидаги жумлаларни эшитишими мумкин: “Барчамиз биламизки, мамлакатимиз яқинда жиддий муаммоларга дуч келди. Лекин мен сизни ишонтириб айтмоқчиманки, биз таслим бўлмаймиз. Биз ўз қадриятларимиз ва фарзандларимиз келажаги учун курашамиз”(ТВ. Ўзбекистон. 10.02.12).

Ушбу иборалар томошабин руҳиятида бирдамлик, оптимизм ҳамда мотивацияни юқори чўққига чиқишида ёрдам беради. Телевизион нутқ риторикасининг ушбу мисоллари орқали бир нечта асосий элементларни англашимиз мумкин:

1. Ҳиссий алоқа: Риторика тингловчиларнинг ҳис-туйғуларига мурожаат қиласди, уларга бирдамлик, оптимизм ва мотивация юқори чўққига кўтарилиши учун химат қиласди;

2. Ҳамкорликка урғу бериш: Барча мисоллар мақсадларга эришиш учун биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ва жамоавий ҳаракатлар муҳимлигини таъкидлайди. Биргалиқда барча тўсиқларни енгиб ўта олиш мумкинлигига даъват қиласди;

3. Ишонч ва етакчилик: Риторика жамоа ёки етакчининг ҳаракатлари орқали келажакни яхшилаш мумкинлигига ишонч билдиради;

4. Аҳамиятлиликни таъкидлаш: Ҳар бир риторик нутқ содир бўлаётган воқеанинг қанчалик аҳамиятлилиги ҳамда қай даражада эътибор қаратилиши муҳим эканлигини таъкидлайди.

Ушбу элементлар телевидения хабарлари контекстида маълум бир қайфият ёки томошабинларни ишонтириш учун тўғри атмосферани яратишга ёрдам беради.

Технология ривожланишда давом этар экан, телекўрсатувларнинг риторик таъсирини тушуниш оммавий нутққа самарали таъсир ўтказмоқчи бўлган ҳар бир киши учун муҳим бўлиб қолади. Ушбу контекстда ишонтириш санъати нафақат айтилган нарсага, балки у қандай тақдим этилишига боғлик бўлиб, муваффақиятга эришиш учун оғзаки ва визуал риторик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, телекўрсатув нутқи риторика ва оммавий ахборот воситаларининг мураккаб кесишини ифодалайди. Визуал элементлардан фойдаланган ҳолда этос, патос ва логослардан самарали фойдаланиш орқали сўзловчилар томошабинлар билан резонанслашадиган жозибали хабарларни яратиши мумкин.

### **Адабиётлар/Литература/References:**

1. Босый П.Н . Современная радиоречь в аспекте успешности/неуспешности речевого взаимодействия. Автореф.дисс... канд.филол.наук. – М., 2006.
2. Черкасова В.П. Телевидение и Интернет как каналы формирования политического сознания граждан // Вестник МГИМО. 2013. №4 (31).
3. Буравцова К.В., Королева М.Л. Язык средств массовой информации // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – Т. 2. – С. 591–595. – URL: <http://e-koncept.ru/2016/46137.htm>.
4. Галстян С.С. Роль языковой личности в телевизионной речевой культуре: дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2008. - 151 с. РГБ ОД, 61:08-10/519
5. Ковальчук Г.Л. Телевизионная речь: особенности формирования. Серия: Филология. журналистика. – М.: Вестник ВГУ. 2008, № 1
6. Kennedy G.A. Aristotle, on Rhetoric: A Theory of Civic Discourse. Pp. 335. New York and Oxford: Oxford University Press, 1991.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*Nº S/7 (4) – 2024*

### **АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
маъсуллияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).